



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрь кунги Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлган жорий йил аниқ амалий мазмунга бой бўлгани ҳамда икки томонлама муносабатларни сезиларли даражада мустақамлаш, янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш имконини берганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлиги жадал кенгайиб бормоқда, барча даражада, жумладан, четараолди ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасидаги мулоқот фаоллашмоқда. Жорий йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ортди, қўшма савдо уйлари ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Давлат раҳбарлари ҳамкорлик бўйича режалаштирилган, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида биргаликда янада фаол ҳаракат қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Томонлар ташқи сиёсат ва етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этилди.

Суҳбат амалий фикр алмашиш, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари руҳида ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 27 ноябрь кунги Қирғизистон Республикаси собиқ раҳбари Алмазбек Атамбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Президенти ўзининг Қирғизистон Республикасининг юксак давлат мукофоти — «Данакер» ордени билан тақдирлангани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, самарали ҳамкорликни ривожлантиришда эришилган улкан муваффақиятлар эътирофи экани таъкидланди.

Суҳбатда якунига етаётган йил икки томонлама муносабатларда тўпланиб қолган қўлаб, жумладан, анча мураккаб масалаларни ҳал қилишда катта натижаларга эришиш имконини берган ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани таъкидланди.

Қирғизистон ва Ўзбекистонга яқинда амалга оширилган ўзаро давлат ташрифлари икки томонлама муносабатлар ривожига янги суръат бахш этгани, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг сезиларли ўсишига, турли даражадаги ташрифлар алмашинувини фаоллаштиришга хизмат қилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланганининг тарихий аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Суҳбат якунида икки мамлакат ташқи сиёсатида изчилликни сақлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ, БУЮК ДАВЛАТ ВА СИЁСАТ АРБОБИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг она Ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз равнаки йўлидаги улкан тарихий хизматларини инobatга олиб ҳамда у кишининг хотирасини абадийлаштириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш (кейинги ўринларда юбилей тадбирлари деб аталади) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита ушбу санани нишонлаш бўйича тадбирлар режасини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

Тадбирлар режасида қуйидагилар назарда тутилсин:

2018 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида Ислон Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасини очил;

Қарши шаҳрида Ислон Каримов хотирасига бағишлаб ҳайкал ўрнатиш ва тантанали очилиш маросимини ўтказил;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан Ислон Каримов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратил;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида

«Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов фаолияти хроникаси (солнома)» китобини, «Маънавият» нашриётида Ислон Каримовнинг «Ёшлар бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучидир», «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарларини, шунингдек, «Президентга мактублар» китобини нашр этиш ҳамда белгиланган тартибда таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари, маданий-маърифий муассасалар ва маҳаллаларга етказил;

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди билан биргаликда «Ислон Каримов — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асосчиси» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказил;

2018 йилнинг I чорагида «Ислон Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танловини яқунлаш ва унинг ғолибларини тақдирлаш;

таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига бағишланган учрашувлар ташкил этиш.


4. Ислон Каримов номидаги Республика хайрия жамоат фонди томонидан «Ислон Каримов — мустақил Ўзбекистон асосчиси» китоб-альбоми нашрга тайёрлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 ноябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Суратда: Бухоро шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида.

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Бухоро шаҳридаги 29-умумтаълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан «Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги» ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида қонунчилигимизга онд давра суҳбатлари, турли беллашув ва викториналар ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларда ўқувчилар фаол иштирок этиб, ҳуқуқий билиминини янада мустақамламоқда.

ЎЗА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат.

МУНОСАБАТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА СЕУЛ КЎЧАСИ БЎЛАДИ



Жўлибой
ЭЛТАЗАРОВ,
Самарқанд давлат
университети
филология
факультети декани,
профессор.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга давлат ташрифини телевидение, интернет орқали диққат билан кузатдим. Ташрифнинг жуда юқори даражада, юксак савияда ташкил қилингани, бутун Жанубий Корея халқи учун ҳақиқий байрамга айлангани, айниқса, икки мамлакат ўртасида мисли кўрилмаган ҳужжатларнинг имзоланганидан беҳад қувондим.

Ҳа, бугун бутун дунё Ўзбекистонда бошланган буюк ислохотлардан яхши хабардор. Кореялик дўстларимиз ҳам унда фаол иштирок этишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишгани кечаги учрашувларда яққол намойён бўлди.

Тарихдан маълумки, ўзбек ва корейс халқларини кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик бослаб туради. Президентимизнинг ушбу давлатга тарихий ташрифи қадимий ришталарни янада мустақамлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилишига ишонаман.

...Афросиёб деворий расмларида Самарқанд подшоҳининг чет эллик элчиларни қабул қилиш маросими акс этган. Дипломатлар орасида қадимий Когурё сулоласи элчилари ҳам борлиги халқларимиз ўртасида VII асрдан ўзаро бори-келди, савдо-сотик, яқинлик бўлганидан далolat беради.

Ота-боболаримиз корейслар билан 1937 йили Ўзбекистонга мажбуран кўчирилганида яқиндан танишган эдилар. Халқимиз уларни ўз бағрига олди, бир бурда нонини беминнат бўлишди. Уша корейсларнинг авлодлари бугун Ватанимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида ўзбеклар билан кўлни кўлга бериб, юртимиз тараққиёти йўлида хизмат қилишмоқда.

Жанубий Корея дунёнинг энг ривожланган ва жаҳонга тинчлик, эзгулик, ҳамжиҳатлик таратаётган мамлакатларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс миллатларининг ўхашлиқ жиҳати жуда кўп. Бизларни тил жиҳатдан Олтой тиллар оиласи бирлаштирса, ҳудуд жиҳатидан бир қитъа, бир минтақа — Евроосиё ва Шарқ умумлаштириб туради. Тарихий, маданий жиҳатдан ҳам кўп уйғунлик мавжуд. XIV-XV асрларда Темурийлар томонидан буюк цивилизация барпо этилганида, Мирзо Улугбек академиясида ўша даврнинг энг буюк илмий кашфиётлари қилинганида, қирол Те Чжонг раҳбарлигида мумтоз корейс маданияти ва адабиётининг нодир намуналари яратилган эди.

Корейс халқи ҳам ўзбеклар сингари ўтмишда кўп бор босқинчилик зулми остида яшашига, уларга қарши курашишга мажбур бўлган. Ана шундай қийинчиликлар туфайли корейслар ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётда ҳам ўзларининг тиришқоқлиги билан ажралиб туради, янгиликларга қўл уриб, барчани хайратлантиради.

1999-2000 йилларда Корея Республикасининг Бусан шаҳридаги Чет тиллар университетида дарс берганман. Корейс дўстларимиз 1992 йилдан бошлаб олий ўқув юрталарида ўзбек тили бўлимини очиб, халқимизнинг тили ва маданиятини ўрганишни йўлга қўйган эдилар. Жанубий Кореядаги фаолиятим давомида бу халқ меҳнаткаш ва зукко эканига ғувоҳ бўлганман. Уч тарафи денгиз, тоғу тош ва ўрмонлардан иборат ҳудудда юксак инновацион иқтисодиётни барпо этган ва технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган халқнинг ўта меҳнатсеварлиги, замонавий билим ва технологияларни ўзлаштириш ҳамда уларни доимий такомиллаштиришга қўйил қўлмаслигининг илҳомий йўқ. Албатта, бу тараққиёт ва юксак турмуш даражаси ўз-ўзидан бўлмаган. Шу билан бирга, иқтисодий ва технологик мўъжизани қадимий маданият, азалий қадрият ва ўзига хос миллий менталитетни сақлаган ҳолда амалга ошириш маҳорати халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этиб келинади.

Жанубий Кореядаги фаолиятимни тугатиб, мамлакатимизга қайтган. «Жанубий Корея: ўтмиш ва бугун» деб номланган китобни ёздим. Бу асарда корейс иқтисодий ва технологик мўъжизасининг сирларини қўлимдан келганича очиб беришга ҳаракат қилдим. Кореянинг жадал суръатли тараққиётининг сирини — корейс ёшларининг замонавий билим ва технологияларни ўзлаштириш, қайта ишлашга бўлган иштиёқи ҳамда иқтисодиёт ва иқтисодий ҳаётда ўтказилган либерал ислохотлар эканига ишонч ҳосил қилдим. Мазкур китоб бугунги кунда ҳам юртимиз университетларининг корейс филологияси факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма вазифасини ўтамоқда.

Президентимиз томонидан Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Сеул номини бериш ҳақидаги таклифнинг илҳами сурилиши халқларимиз томонидан қизгин кутиб олинди. Энди Тошкент шаҳрида Сеул кўчаси бўлади.

Ўзбек-корейс алоқалари дўстлик, қардошлиқ ва саноимийликка асосланган ҳамкорликка айланмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва Жанубий Кореянинг илмий-технологик ва бошқа имкониятлари, халқларимизнинг бир-биридан қўлшаймайдиган ишбилармонлиги биз кўзлаган мақсад-муддаоларга эришишда муҳим аҳамият касб этишига ишонаман.

Барчиний ҲАМИДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Обуна — 2018

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА
ИНДЕКСИ 220

www.uzbekistonovozi.uz

КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИ:

қандай муаммо ва таклифлар бор?

2017 йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ногиронлар манфаати билан боғлиқ қонунлар ташаббускори бўлиб майдонга чиқмагани, «Мурувват», «Саховат» ва «Меҳрибонлик» уйлари, махсус интернат мактаблари фаолиятини яхшилаш бўйича партия томонидан амалий ҳаракатлар бўлмаётгани ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Кўзи ожизлар жамияти билан ҳамкорликда ўтказган «Ногиронларнинг ижтимоий ҳимоялаш: соҳада амалга оширилаётган ижобий ишлар,

Улугбек ВАФОВ,

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Партиямиз Сайловолди платформасида кам даромадли аҳоли қатлами, биринчи навбатда, ногирон ва ёлғиз кексалар манфаатини ҳимоя қилиш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада партиямиз ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари томонидан муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 10 ойида партия гуруҳлари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларини кўзлаб, 35 масала партия гуруҳларида ва 23 масала доимий комиссияларда ва 15 масала сессияда кўриб чиқилди.

Аммо тан олишимиз керак, давлатимиз раҳбарининг «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси устидан депутатлик назоратини амалга ошириш борасидаги ишларимиз сустлигича қолмоқда. Бугунги давр эса ҳаммамиздан фаоллик ва уйғоқликни талаб этапти. Ногиронлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббусларни янада кўпайтиришимиз керак.

Абдусид МИРҲАМИДОВ,

Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси:

— Бугунги кунда Кўзи ожизлар жамияти томонидан 40 минг нафардан зиёд кўриш имконияти чекланган ногирон ҳисобга олинган бўлиб, тизимда ва ундан ташқарида меҳнат билан машғуллар сони қарийб 2700, махсус мактаб-интернатларда таълим олаётганлар 2200, ўрта махсус касб-хунар коллежларида, олий ўқув юрларида тахсил олаётганлар 500 нафардан зиёд ташкил этади. Жамият ташкилотлари, хусусан, туман (шаҳар) бўлинулари кўмағида Кўзи ожизларнинг ижтимоий ҳимоя ва реабилитация қилиш ишлари олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биз яратилаётган шарт-шароитлар ва берилган имкониятлардан мамнунмиз, албатта. Аммо олдимида ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Миносол учун, аксарият ногиронлар фақат пенсия ва нафақа маблағлари ҳисобидан кун кечираётганликлари боис,

коммунал тўловлар, транспорт харажатларида имтиёз ва енгилликларга зарурат сезади. Турли хизматлар, коммунал тўловлар, транспортлардан фойдаланганлик учун йўл ҳақларига I ва II гуруҳ ногиронлари учун имтиёз ва чеғирмалар кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Спорт иншоотларини ногиронларга мослаштириш масаласи ҳам бугунги кунда жуда долзарб. Кўзи ожизлар мактаб-интернатларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида ойлик маош асосида ишлайдиган мураббийлар ажратилиш ва спорт мусобақалари кўламини кенгайтириш, Кўзи ожиз ўқувчиларни ўқув қуроллари, компьютер техникалари, ёрдамчи ўқув ва техник воситалар, аудио китоблар билан таъминлаш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслигини истардим. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу борадаги ишларда бизга яқин ҳамкор ва кўмакчи бўлишига ишонамиз.



Аҳад АХМЕДОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда имконияти чекланган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш учун бир қатор муаммолар масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Хусусан, I ва II гуруҳ ногиронларини бепул ёки имтиёзли кредит асосида ўй-жой билан таъминлаш борасида мукамал равишда қўлдан келтириш зарур. Кўзи ожизлар учун олий ва ўрта махсус таълимда дарсликлар, ижтимоий-сиёсий, табиий-илмий, классик ва замонавий бадий адабиётлар,

пайтларида саломатликларини тиклаш учун шифохоналарга ордер олиш борасида ҳам қатор қийинчиликларга дуч келаётгани жойларда сайловчилар билан бўлиб ўтаётган учрашувларда бот-бот таъкидланяпти.

Кўзи ожизлар учун олий ва ўрта махсус таълимда дарсликлар, ижтимоий-сиёсий, табиий-илмий, классик ва замонавий бадий адабиётлар,

Руслан ХУДОЁРОВ,

Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви юристи:

— Жамиятимиз аъзолари дуч келаётган муаммоларнинг аксарияти қонунчиликдаги камчиликларга бориб тақалади. Шу боис ногирон-

ларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда экспертлар сифатида Кўзи ожизлар жа-

брайл ёзувидаги дастурий нашрлар етишмовчилигини бартараф этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Юртимизда Кўзи ожизлар учун реабилитация воситаларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари деярли мавжуд эмас. Оқибатда бу тоифадаги ногиронлар оддийгина реабилитация воситаларини топишда қийинчиликларга дуч келишяпти. Кўриб турибдики, ногиронларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш механизмни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

мияти вакиллари жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг реабилитацияси, ижтимоий интеграцияси, бандлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини бора-сидаги саъй-ҳаракатлар оқилона амалга оширилишида бу жуда муҳим ҳисобланади.

Рихсибой АББОСХОНОВ,
Кўзи ожизлар жамияти
қошидаги босмахона
раҳбари:

— Босмахона 1949 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўзи ожизларнинг интеллектуал, сабоҳиятини ривожлантиришда биз чоп этаётган кўлланмалар, китоблар, дарсликлар муҳим ўрин тутади. Шу вақтга қадар махсус мактаб-интернатларини дарсликлар билан таъминлаб келаямиз. Айни пайтда бизни бир муаммо ташвишга соляпти. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра, ҳозирги жойлашган биномизнинг бир қисми шаҳар ички ишлар бўлимига берилган экан. Лекин бугун бинони умуман тарк этишимиз талаб этилмоқда. Биз тегишли идораларга муурожаат қилдик. Лекин ҳалигача амалий ёрдам берилмаяпти. Биз шу масалада ЎзХДП фракциясидан кўмак сўраймиз.

Семинарда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳромжон Обиджонов, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов, Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раёсати аъзоси Абдуқаном Набиев, Кўзи ожизлар жамияти Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Олим Абдурахимов соҳада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Конституция — бахтимиз қомуси



Сенатор ШОТЎЛДАГАНОВ олган сўзлар.

«Бепул таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, бординки, инсон учун муҳим ижтимоий йўналишлардан тортиб, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг барчаси Конституцияда ифодаланган. Конституцион ҳуқуқларимиз орқали ўқиш, ишлаш, сайловларда иштирок этиш имкониятларидан фойдаланамиз. Бош қомусимиз асосида яратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса фуқароларга қўшимча қулайлик яратиб, ўз бурчларини тўғри бажаришга хизмат қилади. Энг муҳими, инсон шайи, қадр-қиммати ва манфаати устувор этиб белгиланган».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳроқ Дархонов таъкидлаганидек, Конституция мустақиллигимиз, эрк ва озодлигимиз тими. Унинг негизда қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлар юртимиз тараққиётига, ҳамюртла-

римизнинг тинч, осойишта ҳаётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тошкент вилоят партия кенгаши ўтказган давра суҳбатидеда айни шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Конституция-мизнинг инсонпарварлик таъминини ҳаётда ўз ифода-

сини топаётгани алоҳида таъкидланди. Тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, туман, шаҳар партия кенгашлари раислари, вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари, вилоят ҳокимлиги қошидаги ижтимоий мослашув маркази масъуллари ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов Конституциямизнинг яратилиш тарихи, инсонпарварлик таъминини ҳаётда тўхталди:

— Мамлакатимиз мустақил-

ЭРК ВА ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

лика эришгач, эски мустабид тузум қонунларидан воз кечилди, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш билан боғлиқ демократик йўл танланди. Мустақил давлат сиёсатида Ўзбекистон ўз Конституциясига эга бўлиш шарт эди. Жаҳон таърибаси ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар гоялари, миллий қадриятлар асосида Бош қомусимиз яратилди. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, жаҳми дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон, деган фикр илгари сурилди ва шу асосда фуқаро, жамият, давлат ўртасида ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга эришилди.

Конституциямизнинг асосий принципи инсон манфаати — давлат манфаатидан устун этиб белгилангандадир. Унинг муқаддимасидан тортиб, охириги бобигача инсонпарварлик гоясига йўрилган. Бу эзу гояларнинг ҳаётдаги ифодасини ҳар биримиз ҳар кун кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз...

— Таъкидлаганидек, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш

борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, — деди Тошкент вилоят ҳокимлиги қошидаги Ижтимоий мослашув маркази раҳбари Баҳромжон Обиджонов. — Марказнинг асосий вазифаси ҳам, аввало, Бош қомусимиз ва амалдаги қонунларнинг инсонпарварлик таъминини ижроси билан шуғулланишдан иборат. Айниқса, амнистияга тушиб, жазони икром этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга алоҳида эътибор қаратамиз.

Жорий йилнинг шу кунига қадар жазони икром этиш муассасаларидан қайтган 1751 нафар фуқарога 1 миллиард 425 миллион сўмлик моддий ёрдам ажратилди. Меҳнатга лаёқатли 1508 нафар фуқародан 1280 нафарининг бандлиги таъминланди. Қолганларини ишга жойлаштириш бўйича бандликка қўмаклашиш марказлари билан ҳамкорликда чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, махсус комиссия аъзолари жазони ўташ жойларидан қайтганларнинг яшаш шароитини ўрганиб, ўз ишчи бошлаш истаги борларга имтиёзли кредитлар олишга қўмаклашмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган бу ишлар Конституциямизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, шайи, қадри билан боғлиқ қафолатларнинг амалдаги ифода-сидир.

Давра суҳбатидеда, шунингдек, жойлардаги муаммолар хусусида ҳам фикрлар билдирилди. Жумладан, жазони ўташ муассасаларидан қайтганларнинг судланганини баҳона қилиб, ишга олмаслик ҳолатлари учраб туриши муҳокама этилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида профилактика тадбирларини кучайтириш зарурлиги айтилди. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирларда амнистия асосида озод қилинган ва ҳозирда ҳалол меҳнат қилиб, жамиятга нафи тегаётганлар иштирокини таъминлаш яхши самара беришини ҳаёт кўрсатаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Конституцияни доимий равишда ўрганиб бориш юзасидан таклифлар билдирилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли»

Шу кунларда «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари «Ташаббус ва ғояларимиз мустақил Ўзбекистон тараққиёти учун!» шиори остида ўтказилляпти.

ЗУККО ВА ТАШАББУСКОР ХОТИН- ҚИЗЛАР САРАЛАНМОҚДА

Кармана туманида иштирокчилар янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган турли лойиҳалар тақдим этилди. Улар хотин-қизлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган янги ғояларни ўзига мустақил эълани билан аҳамиятлидир. — Опа-сингилларимизнинг фаоллиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур танлов йил сайин омалашиб бормоқда, — деди Навоий вилоят партия кенгаши сектор мудири Муборак Махмудова. — Иштирокчилар истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб, аёллар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Кармана туман босқичида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими котибаси Шоҳсанам Раҳматова вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Оқолтин туманида ҳам бир-биридан қизқарли лойиҳалар тақдим этилди. Сирдарё вилоят партия кенгаши бўлим мудири Муроджон Мирзакаримовнинг айтишича, Хайрихон Шарофиддинова, Орзул Маматова, Гулнора Саидова томонидан тақдим этилган лойиҳалар ҳаётлиги билан ажралиб туради. Уларда мамлакатимизда хотин-қизларни йўналтираётган муаммоларга ечим топиш масалаларига алоҳида урғу берилган. Барқарор иш ўринлари яратиш, оилавий ажримлар, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга доир таклифлар ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди.

Иштирокчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги саволларга жавоблари, саҳна маданияти, нотиклиги ҳам белгиланган мезонлар асосида баҳолаб борилди. Гулнора Саидова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Оқдарё туманида эса хусусий тадбиркор Гулжаҳон Холиқуллова танловнинг барча шартларидан муваффақиятли ўтиб, голибликни қўлга киритди.

Сурхондарё вилоят партия кенгаши бўлим мудири Феруза Болтабоева бу йилги танлов ҳар йилгидан жонли ҳамда қизгин ўтаётганини таъкидлади. Жумладан, Термиз шаҳар босқичида тақдим этилган лойиҳалар ранг-баранг йўналишларда бўлган. Хотин-қизларнинг сиёсий ҳозиржавоблиги, мавзуларни яхши тушушган ҳолда шарҳлаш ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди.

Ҳар бир иштирокчи шартларга пухта тайёргарлик кўргани боис голибни аниқлаш осон кечмади. Танлов низомида белгиланган меъёрларга қўл жихатдан мос жавоб берган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ҳамшираси Латофат Шамуратова биринчи ўринга лойиқ топилди.

Сариосиё туманидан эса 62-умумтаълим мактаб бош етакчиси Садбағ Турсунова танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Эслатиб ўтаамиз, танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят босқичлари 2018 йилнинг январь ойидан бошланади.

Зилола АНВАРОВА

Ногиронларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш механизмни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Тиббий хизмат
«Электрон
ПОЛИКЛИНИКА»
қулай ва сифатли

Ушбу янгилик сентябрь ойида шаҳардаги 10-оилавий поликлиникада амалиётга татиб қўйилган эди. Қисқа фурсатда яна 12 та поликлиника локал тармоққа уланди. Вилоят ҳокимлиги ва ҳомийларнинг молиявий ёрдамида зарур ахборот коммуникация воситалари билан таъминланди.

Онлайн тартибда ишловчи автоматлашган ахборот тизимини вилоятдаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларига ҳам жорий қилинмиш, — дейди «Ўзмединфо» маркази вакили Нурмухаммад Сотволдиев. — Тегишли дастурга мувофиқ очилган тиббий карталарнинг ҳаммаси касалликларнинг халқаро таснифи шаклида Соғлиқни сақлаш вазирлиги корпоратив тармоғидаги электрон базага киритилди. Яъни, бемор нафақат ўзи яшайдиган жойдаги поликлиника, балки республикамизнинг қайси бир шаҳри ёки вилоятида бўлмасин, тиббий хизматга эҳтиёж сезса, ўша ҳудуддаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига мурожаат қилиши мумкин. Фуқаронинг тиббий картаси мамлакатимиздаги барча оилавий поликлиникалар компьютерларида қўрилди.

Янгиликнинг имкониятлари жуда кенг, — дейди Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош мутахассиси Акмалжон Ҳамиджонов. — Энди беморлар оилавий поликлиникаларга келиб, наваб кутиб, қимматли вақтларини беҳуда сарфламайди. Интернет тармоғи орқали қайси шифокорнинг қайси вақтда ишлаганини билиб олиб, электрон тарзда рўйхат қилишлари мумкин. Таъхис маълумотлари эса автоматик равишда ҳисоботлар базасида қайд этиб борилади. Фуқаролар мазкур тизим орқали шифокорлар ва ҳамшираларга миннатдорчилик изҳор қилишлари, фаолиятига оид тақлиф ва мулоҳазаларини баён этишлари мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, «Электрон поликлиника»га келиб тушган мурожаат ёки шикоятлар таҳлили врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини адолатли баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

«Электрон поликлиника» тизими келгуси босқичда туманлардаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларга ўрнатилди. Кейин эса қишлоқ оилавий поликлиникалари қамраб олинади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Бахтиёр МУСТАНОВ оғил суратлар.

САМАРҚАНДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

ҳалол ва фидокорона меҳнатнинг ҳақиқий тантанасига айланди

Ўтган шанба куни Самарқандда бўлиб ўтган Ҳосил байрамида тўқинчилик ва фаровонлик ижодкорлари — бободехқонларнинг, бутун вилоят аҳлининг меҳнати яна бир бор улугланди, шарафланди.

Тадбир учун танланган жой — шаҳар четидagi эшак эшик канали соҳили эрта тонгдан қайрам шуқуҳига бурканди. Бу ерда барча туманлар илғор фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилди. Қуй-қўшиқ ва рақс, полвонлар беллашувлари авж олди. Вилоят ҳокими Туробжон Жўраев барчани Ҳосил байрами билан қизгин қутлади. Илғор фермер хўжаликлари ва туманларни эътироф этди. Ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун уларга миннатдорчилик билдирди. Йилни юқори меҳнат кўрсаткичлари билан яқунлаган туманларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Президентимиз совғаси — ўрта «Дамас» машинаси Иштихон, Каттақўрғон ва Нарпай туманларига топширилди.

Мухбиримиз байрам қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатлашиб, уларнинг фикрлари билан қизикди.

— Яхши меҳнат қилинса, албатта, байрамлар ярашади, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Зайнаб Бердиева. — Бугун Самарқанд аҳлининг юзи ёруғ. Жорий

йилда самарқандлик фермеру деҳқонлар 218 минг 900 тоннадан зиёд пахта, 318 минг 734 тонна дон, 2 минг 829 тонна пилла етиштиришди. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам мўл бўлди. Ушбу неъматларнинг бир қисми экспортга йўналтирилди. Бу ютуқларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Ҳар бир рақам замирида фермерларимизнинг азму шижоатлари, тажриба ва маҳоратлари мужассамдир.

— Ўтган йиллар давомида вилоятимизда 219 лойиҳа доирасида 5 минг 460 километрдан ортиқ коллектор тармоқларини реконструкция қилиш ва қуриш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди вилоят мелиоратив экспедицияси бўлим бошлиғи Меҳроҷ Абдурахмонов. — Натижада 19 минг 500 гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Ҳозирги пайтда гидротехник иншоотлар қуриш, қирғоқларни ҳимоя қилиш ишлари давом этмоқда.

— Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда пахтачиликдан 53 миллиард 459 миллион сўм фойда олиниб, рентабеллик даражаси 15,2 фоизни ташкил қилиши кўтиляпти, —

дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Шукуров.

2017 йилда биргина пахта хомашёси мамлакатимиз иқтисодида келтирадиган фойдани ҳисоблаб кўрайлик, иш ўринлари, озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар, даромад, аҳоли фаровонлиги... Шунинг учун вилоятимизда етиштирилган мўл ҳосилнинг кадри баланд.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати» орден соҳиби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Элибой Таниев ўзининг гуруҳ ва қувончини шундай изҳор этди:

— Фаллакларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан 107,5 минг суви, 49 минг гектар лалми майдондан 318 минг 730 тоннадан ортиқ сара дон етиштирилиб, давлатга фалла сотиш шартномавий режаси 106,5 фоизга бажарилди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик сувли майдонда 54 центнерни ташкил қилди, яъни 1990 йилдагига нисбатан ўртача ҳосилдорлик 4,5 баргача ошди.

— Вилоятимизда ҳосилдорлиги паст бўлган 7 минг 200 гектар пахта ва галла майдонлари қисқартирилиб, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, озуқабоп экинлар

экиш йўлга қўйилди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси Одил Арзикулов. — 2017 йилда интенсив боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди ва 648 гектар ерда ана шундай боғлар барпо этилди. 2018 йилда 5 минг гектар пахта ва галла майдони қисқартирилиб, қўшимча равишда 900 гектар картошка, 1868 гектар сабзавот, 450 гектар интенсив боғ, 1465 гектар озуқабоп экинлар, 316 гектарда бошқа турдаги экинлар экилади. Бу каби ислохотлар аввало ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажминини янада ривожлантириш тадбирлари қўрилмоқда.

Ҳосил байрами кун бўйи давом этди. Пойтахтимиз Тошкентдан келган бир гуруҳ ижодкорлар, таниқли санъаткорлар ҳам Самарқанд деҳқонларини, бу ютуқларга ҳисса қўшган барча-барчани қутлашди, уларнинг дил сўзлари, қуй-қўшиқлари байрам қувончи ва тантаналари шуқуҳини янада оширди...

Абдураул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Барчиной КУДРАТИЛЛАЕВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили ва адабиёти факультети 3-курс талабаси.

Бокс

Россиянинг Белоярский шаҳрида бокс бўйича «Нефть мамлакатлари кубоги» анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда иштирок этган ҳамюртларимиз 1 олтин, 3 кумуш медални қўлга киритишди.

БОКСЧИ-ЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРИ

Рио олимпиадаси голиби Ҳасанбой Дўсमतов янги -52 килограмм вазн тоифасида иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Иқболжон Холдоров, Исроил Мадримов ҳамда Санжар Турсунов кумуш медал билан тақдирланди.

Бокс бўйича ёшлар ва ўсмирлар терма жамоамиз эса Россиянинг Свердловск вилоятида бўлиб ўтган халқаро турнирда иштирок этиб, 8 олтин, 2 кумуш медални қўлга киритди. Самандар Холмуродов, Абдумалик Халолов, Ҳалимбек Ўтегенов, Жаҳонгир Раҳмонов, Мангуберди Абдурашулов ҳамда Жамшид Маҳмадалиев олтин медалга сазовор бўлди. Содир Камолмурзаев ва Алимардон Абдуҷабборов кумуш медал билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасида Отабек Аҳадов ҳамда Комилжон Юсупов олтин медал совриндори бўлишди. Халқаро турнирда терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

Янги хизмат ЮК ВАГОНЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Ҳар қандай давлатда транспорт тизими, хусусан, темир йўл транспорти муҳим ўрин тутади. Чунки транспорт ҳудудларни ҳудудлар, давлатларни давлатлар билан боғлайди, миллионлаб тонна юк ташилади. Айниқса, темир йўл транспорти энг хавфсиз транспорт тури ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бугун бутун дунёда мазкур транспорт турига бўлган талаб ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда темир йўл транспорти фаолиятини янада такомиллаштириш, хавфсизлиги ва ишончилиги таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига ҳамда Ички ишлар вазирлигининг буйруғига асосан Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларини кузатиш батыони ташкил этилди. Юк вагонларини кузатуви батыон шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси «GM Uzbekistan» ёпиқ акциядорлик жамияти маҳсулотларини кузатиш батыони ҳодимла-

рининг асосий вазифалари қўшни мамлакатлардан кириб келадиган автомобиль эҳтиёт қисмлари, тайёр техникалар юкланган вагон-контейнерларни тайинланган манзилларга ўз вақтида бекаму-кўст етказиб бериш ҳисобланади. Уларнинг темир йўл транспортда ташилиши хавфсизлигини таъминлаш, босқичма-босқич ва улусқисз қўриқлаб кузатилишини ташкиллаш-тришдан иборат.

«GM Uzbekistan» ЁАЖ маҳсулотларини кузатиш батыони Тошкент отряди шахсий таркиби томонидан жорий йилнинг 9 ойи давомида жами бўлиб, 507 юк поездидан ва 5761 юк вагонлар, жумладан, «GM Uzbekistan» автомобиллари юкланган 753 вагон кузатилди. Автомобиллар учун эҳтиёт қисмлари юкланган

5008 вагон-контейнер белгиланган манзилларга етказиб берилди.

Тошкент отряди темир йўл станциялари ҳодимлари билан ҳамкорликда кузатиш учун қабул қилинадиган вагонларнинг сони, юк тури, унинг йўналишлари, бекатларга келиб-кейтиш вақтларини олдиндан аниқлаб, хизмат олиб бормоқда.

Бундан ташқари, отряд шахсий таркиби ҳуқуқий билими ва жангсиз тайёргарлигини янада ошириш борасида доимий равишда иш олиб боришмоқда.

Мақсад битта — темир йўл транспортда ташилиётган товар-моддий бойликларнинг бутлигини таъминлаб, тайинланган манзилларга ўз вақтида етказиб беришдир.

Нуриддин ЖУМАБАЕВ,
Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси «GM Uzbekistan» ЁАЖ маҳсулотларини кузатиш батыони Тошкент отряди командири ўринбосари.

Эълон

Каракалпакский филиал
ООО «Агросаноат мулк маркази» сообщает

29 декабря 2017 года в 15:00 часов по адресу: город Нукус, ул. Амира Темура, дом №122а проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляются на продажу:

Автотранспортные средства принадлежащие ООО «Тахиятша автохизмет» Республики Каракалпакстан:

— автомашини марки «Камаз 55111», 1991 года выпуска, гос номер 95/457GAA. Начальная цена — 6 400 000 сумов.

— автомашини марки «Камаз 55112», 1991 года выпуска, гос номер 95/456GAA. Начальная цена — 6 400 000 сумов.

— автомашини марки «Камаз 55111», 1991 года выпуска, гос номер 95/454GAA. Начальная цена — 6 400 000 сумов.

— автомашини марки «Камаз 55111», 1991 года выпуска, гос номер 95/455GAA. Начальная цена — 6 400 000 сумов.

— автомашини марки «Камаз 55111», 1990 года выпуска, гос номер 95/455GAA. Начальная цена — 6 400 000 сумов.

— автомашини марки «Камаз 5410», 1991 года выпуска, гос номер 95/452GAA. Начальная цена — 4 800 000 сумов.

— прицеп марки «Одас 9370», 1991 года выпуска, гос номер 95/07-33AA. Начальная цена — 1 600 000 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9:00 по 18:00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 28 декабря 2017 года в 18:00 часов.

Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с №20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон банк».

Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. Амира Темура, дом №122а.

Телефон для справок: (0361) 222-55-84. Свидетельство № 006388-11.

«RUSTAM ZAR» («РУСТАМ ЗАР») МЧЖ таъсисчиларининг 2017 йил 20 ноябр кундаги умумий йиғилиш қарори асосида: Жамият юридик манзили Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек тумани, Олмачи 2-тор кўчаси, 20-уйга қўгани ва Устав жамғармаси 721 624 165,00 сўмдан қамайтирилиб, 626 783 924,00 сўмни ташкил этгани маълум қилинади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1138

8807

naxsada bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 22:20

Topshirilgan vaqti — 23:55

Navbatchi:

Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5 6